

**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ****Лукманов Бунёд Муртазаевич**

**Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги жадал ислохотлар даврида Ўзбекистон жамиятида иқтисодий барқарорликни таъминлаш омиллари, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “хуфиёна” иқтисодиёт улушини қисқартириш, иқтисодий фаолият бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилиш, шунингдек, иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари, миллий хусусиятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, иқтисодий сиёсат, миллий иқтисодиёт, иқтисодий ресурс, ислохот, кўрсаткич, натижадорлик, иқтисодиётни эркинлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши мамлакатдаги меҳнат салоҳиятининг сифат кўрсаткичларига, кадрларнинг интеллектуал салоҳиятига ва инсон капиталига боғлиқдир[1].

Шу маънода “Кучли мамлакатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясига асосланган ҳолда мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил давом эттириш бугунги кундаги устувор вазифа, дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев[2]. Демократик ислохотларни амалга оширишда иқтисодий соҳани биринчи ўринга олиб чиқиш, жамиятда иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва қулай иш ўринларини яратиш бериш ҳам иқтисодий ва ҳам ижтимоий фаолиятни барқарорлаштиришга қўл келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг иш билан бандлигини ва муносиб даромад топишларини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Мамлакатимизда жадал равишда кетаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар иқтисодий жараёнлар билан бир равишда бир чизикда амалга оширилади. Бу жараёнда иқтисодий парадимада меҳнат унумдорлиги тамойилига урху бериш муҳим ҳисобланади.

Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш

тамоийлларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодийдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодийни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқиш масаласи кўндаланг қўйилди. Қолаверса, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодийнинг муҳим ва долзарб тармоғига айланди.

**Бу борада фикр билдирар экан Президент Ш.М.Мирзиёев қуйидагича таъкидлайди: “Биз Ўзбекистоннинг янги тарихида илк бор камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни бутун дунёга очик эълон қилдик ва уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик. Камбағалликни қисқартириш, аҳолини арзон уй-жой ва ичимлик суви билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилалар, узгалар парваришига муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш оуиича тизимли ишларни йўлга қўйдик[3].**

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб қўйилди. Хусусан:

макроиқтисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида иқтисодийни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш, иқтисодийнинг реал сектори ҳолати, ички ва ташқи бозорлар конъюнктураси ҳамда глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда иқтисодийнинг асосий соҳаларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

иқтисодийнинг реал секторидаги ҳолатни олдиндан баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш;

инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик ва ўрта бизнесни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларни ҳамда соҳани ривожлантириш борасида фундаментал тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари – янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, кредитлашнинг мавжуд механизмлари ва қўллаб-қувватлаш воситалари орқали ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори самара берувчи йўналиш ва лойиҳаларни амалга ошириш;

хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятини юритиш ва бошқа муҳим вазифалардан иборат[4].

Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш сифати миллий иқтисодий тизим даражасида меҳнат самарадорлигининг мунтазам ортиб боришига асосланади. Ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва иқтисодий тизимга ташқаридан таъсир этувчи омилларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этишда сифатга алоҳида аҳамият беришликни назарда тутади.

Техника тараққиёти - юқори технологиядан фойдаланиш билан ишчи кучига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ортади ва бу ҳолат ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўзининг амалий жиҳатдан тўғрилигини исботлади[5].

Жамиятимизда меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари [6] амалга ошириб келмоқда. Вазирлик ва унинг тузилмаларининг устувор вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чоратадбирларни амалга ошириш;

меҳнат органларига мурожаат қилган ишсизларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳолини жамоат ишларига, биринчи навбатда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, йўл ва уйжой коммунал инфратузилмасини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишга, шаҳарлар ва туманларни ободонлаштиришга, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этишга жалб қилиш;

ишга жойлашишга муҳтож шахсларни, айниқса, банд бўлмаган ёшларни, имконияти чекланган шахсларни ва ишсизларни иқтисодиётнинг ҳамда меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

меҳнат бозорини тартибга солиш, бандлик, меҳнатга доир муносабатлар, меҳнат муҳофазаси, касбий ва меҳнат стандартлари, гендер тенгликка риоя этилиши, банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида бозор муносабатлари шароитларига мос келадиган нормативҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш;

бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, меҳнат шароитлари экспертизасини амалга ошириш, меҳнат муносабатларини, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

кам таъминланган оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тўланиши бўйича мониторингни амалга ошириш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаоллигини ошириш орқали оилани кам таъминланганликдан чиқариш юзасидан индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш шулар жумласидан[7].

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш тизими [8]



Умуман олиб қараганда, бугунги жадал ислохотлар шароитида Ўзбекистон жамиятида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги ўзгаришлар билан бир қаторда, иқтисодий соҳада ривожланишни амалга ошириш борасида муҳим ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширила бошланди, хусусан, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган тадбиркорлик муҳитини кенгайтириш, яширин иқтисодиётдан воз кечиш, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш, инновация ишланмаларини соҳага кенг жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳанинг барча ички тармоғини қамраб олган ҳолда республика ҳудудлари ва хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўз аҳамиятини топиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Толаметова З.А. Меҳнат салоҳиятини сифат жиҳатдан такомиллаштиришда таълим тизимининг ўрни. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2014, №6. –Б. 9.
- [2] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 1-том. –Б. 58.
- [3] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. “О’қитувчи” нашриёти, 2021. – Б. 51.
- [4] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/4776669>.
- [5] У.А.Мадраҳимов, Иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлигини баҳолаш.//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил.
- [6] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон
- [7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 379-модда.
- [8] Меҳнат иқтисодиёти: ўқув қўлланма / Гулнора Абдурахмонова. –Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. -138 б. -Б. 70.